

РУКНИДДИН УБАЙДУЛЛОХ САМАРҚАНДИЙ ИЛМИЙ МЕЪРОСИДА ТИЛШУНОСЛИККА ОИД ТАҲЛИЛЛАР

Суннатулла Абдуллаев

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.
sunnatulloh0825@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола Рукниддин Убайдуллоҳ Самарқандийнинг асарларида, жумладан тафсири фанига оид асарларидаги тилшуносликка оид қарашлари ҳамда олимнинг илмий фаолиятини ўрганишга бағишланган. Мақолада олимнинг тафсирга оид асарлари орқали лингвистик таҳлиллари ҳамда улардаги маънавий экспозицияларни қандай очиб бергани таҳлил қилинади. Шунингдек, олимнинг "Тафсиру гороиб маъони ал-Қуръан" асарида Қуръони каримнинг лексик-семантик жиҳатидан ажойиб ва мўъжизавий хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: араб тили, қуръон илмлари, лингвистик таҳлил, балогат, "Эъжоз ал-Қуръан ал-карим", "Тафсиру гороиб маъони ал-Қуръан".

ملخص: هذا المقال مخصص لدراسة الآراء اللغوية في أعمال ركن الدين عبيد الله السمرقندي، بما في ذلك الأعمال المتعلقة بعلم التفسير، ولتحليل نشاطه العلمي. يُحلل المقال التفسيرات اللغوية وكيفية عرض الظواهر اللغوية والمعنوية في تفسيراته. بالإضافة إلى ذلك، يستعرض المقال الخصائص اللغوية والمعجزة للقرآن الكريم كما هو مبين في "تفسير غرائب معاني القرآن".
الكلمات المفتاحية: اللغة العربية، علوم القرآن، التحليل اللغوي، البلاغة، "عجاز القرآن الكريم"، "تفسير غرائب معاني القرآن"

Аннотация: Данная статья посвящена изучению лингвистических взглядов в работах Рукниддина Убайдуллоха Самаркандий, включая труды по тафсиру, а также анализу его научной деятельности. В статье анализируются лингвистические феномены и как они представлены в его тафсирах. Кроме того, статья рассматривает лексико-семантические и чудесные особенности Корана, как показано в "Тафсиру гороиб маъони ал-Қуръан".

Ключевые слова: Арабский язык, Науки о Коране, Лингвистический анализ, Балагат, "Иджаз ал-Қуръан ал-карим", "Тафсиру гороиб маъони ал-Қуръан".

Abstract: This article is dedicated to studying the linguistic views in the works of Rukniddin Ubaydulloh Samarkandiy, including those related to the science of tafsir, and analyzing his scientific activity. The article examines his linguistic analyses and how he presents linguistic and spiritual phenomena in his tafsirs. Additionally, the article highlights the lexicosemantic and miraculous characteristics of the Quran as depicted in "Tafsir Gharaib Ma'ani al-Quran".

Keywords: Arabic language, Quranic sciences, Linguistic analysis, Balaghah (Rhetoric), "I'jaz al-Quran al-Karim", "Tafsir Gharaib Ma'ani al-Quran".

Юртимиз алломалари қолдирган улкан меросни ўрганиш ва уларни тадқиқ этиш ҳали ҳануз долзарб масалалигича қолмоқда. Шундай бўлишига қарамай, VII/XIII асрда яшаб ижод қилган, ўз даврининг кўзга кўринган етук алломаси ҳисобланган шайх Рукниддин Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда олимнинг тафсир, қуръон илмлари, усул ал-фикҳ ва бошқа илмлар борасида ёзиб қолдирган асарларини ўрганиш, уларда келтирилган масалаларни замонавий илмий тадқиқотлар орқали мужассамлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мовароуннаҳрлик олим тафсир, фикҳ ва усул ал-фикҳ олими, муҳаддис, мутакаллим, балоғат ва улум ал-қуръонда моҳир бўлан олим Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз Рукниддин Самарқандий ҳақидаги маълумотлар кўплаб тарожим ва табақот китобларида келтирилган. Улардан Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдийнинг (696-764/1296-1263 й.) “Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر”¹ ва “ал-Вофий би ал-вафаёт”², Аҳмад ибн Яҳё Шаҳобуддин Умарийнинг (700-749/1301-1349 й.) “Масалик ал-абсор фи мамалик ал-амсор” асарида³, Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Аъйнийнинг (726-855/1261-1451 й.) “Иъқд ал-жуман фи тарих аҳл аз-заман”⁴, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг (773-852/1372-1448 й.) “ад-Дурор ал-камина фи аъян ал-маиъат ас-самина”⁵ ва бошқалардир.

Олимнинг тўлиқ исми Аллома Шайх Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз Самарқандий Ҳанафийдир. Юсуф ибн Тангриберди (784-813/1410-1460 й.) ўзининг “ал-Манҳал ас-софий ва ал-муставфий баъда ал-вафий” асарида “Боршоҳ” номини ҳам кўшиб, шундай дейди: “Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Шайх Имом обид, зоҳид Рукниддин Боршоҳ Самарқандий Ҳанафий. Дамашққа келиб, дастлаб “Зоҳирия” сўнгра “Нурия” мадрасасида дарс берган”⁶. Алломанинг “Боршоҳ” таҳаллуси Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрий (ваф. 966/1559 й.) нинг “Тарих ал-хомийс фи аҳвал ан-нафис” асарида “Борсо” номи билан ҳам келтирилган⁷. Аммо “Боршоҳ” таҳаллуси тўғрироқ ҳисобланади.

Аллома Шайх Самарқандийнинг турли соҳаларда асарлар ёзиб, кўпдан-кўп китоблар муаллифи ҳисобланиши унинг қанчалик даражада дунёқараши кенг, маърифати улуғ инсон эканини кўрсатади. Олимга берилган Аллоҳнинг икромии бисёр бўлиб, улардан бири сифатида ўзидан кейин ислом умматига қолдирган улкан илмий меросини қайд этиш ўринлидир. Қуйида келтириладиган асарлар

¹ Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдий. Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر // Д. Али Абу Зайд ва бошқ. таҳқиқи. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1998. – Ж. 1. – Б. 677. ; – Ж. 3. – Б. 207.

² Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдий. Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر // Аҳмад Арнаут ва Мустафо Туркий таҳқиқи. – Байрут: Дор ихя ат-турос, 2000. – Ж. 10. – Б. 44. ; – Ж. 19. – Б. 271.

³ Аҳмад ибн Яҳё Шаҳобуддин Умарий. Масалик ал-абсор фи мамалик ал-амсор. – Абу Даби: ал-Мажмаъ ас-сакофий, 2002. – Ж. 27. – Б. 490.

⁴ Бадруддин Маҳмуд ал-Аъйний. Иъқд ал-жуман фи тарих аҳл аз-заман // Д. Муҳаммад Муҳаммад Амин таҳқиқи. – Қоҳира: Марказ таҳқиқ ат-турос, 1987. – Ж. 4. – Б. 251.

⁵ Ибн Ҳажар Асқалоний. ад-Дурор ал-камина фи аъян ал-маиъат ас-самина // Муҳаммад Абдулмуийд Дон таҳқиқи. – Ҳайдаробод: Мажлис даирот ал-маориф ал-усмония, 1972. – Ж. 3. – Б. 242.

⁶ Юсуф ибн Тангриберди. ал-Манҳал ас-софий ва ал-муставфий баъда ал-вафий // Д. Муҳаммад Муҳаммад Амин таҳқиқи. – Миср: Ҳайъат ал-мисрия ал-аъммати лил кутуб, 1984. – Ж. 7. – Б. 406.

⁷ Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрий. Тарих ал-хомийс фи аҳвал ан-нафис. – Байрут: Дор содир. – Ж. 2. – Б. 381.

хам, олимнинг қанчалик илмда мустаҳкам, замонасининг улуғ олим эканини кўрсатади.

Жумладан, олимнинг тафсир ва Қуръон илмларига оид асарлари ҳам ўз даврида битилган бебаҳо асарлар туркумига киради. Қуйида улар ҳақида қисқача баён қилинади:

1. Тафсиру ғороиб маъони ал-Қуръан

Ушбу асарда Рукниддин Убайдуллоҳ Қуръони каримнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ояти, ҳар бир сураси ҳамда лафз ва маъно жиҳатидан кишиларни ожиз қолдирувчи эканини изоҳлаб берган. Шунингдек, муаллиф Қуръони каримдаги ҳар бир оят муъжиза, ибрат, инсонни ҳайратга солувчи ажойиб ишлардан иборат муқаддас китоблигига оид далил ва мисоллар келтирган.

Алломанинг ўзи “Тафсиру ғороиб маъони ал-Қуръан” асарини ёзишдан кўзланган мақсадни ва китоб қай услубда таълиф этганини баён қилиб шундай дейди: “Бу китобда талабалар Қуръон карим оятларнинг тафсир ва таъвилларини энг юқори даражада англашлари учун баъзи оятларнинг нодир маъноларини, ҳақиқатларини, улардаги гўзал кўрсатмаларни ҳамда оятларнинг дақиқ маъноларини эъжоз- оз сўзлар ила кенг маънони баён қилиш услубида келтирдим”. Асар “Сулаймония” кутубхонасидаги “Асъад афанди” фондида №3896 мажмуанинг 256-756 саҳифаларида сақланмоқда.

2. Эъжоз ал-Қуръан ал-карим

Ушбу муъжаз рисолада Қуръони карим оятларининг хусусан 30-жуз (Амма пораси) даги сураларнинг маъноларига балоғат илми юзасидан изоҳ ва шарҳлари келтирилган. Рукниддин Самарқандий рисола таълиф қилиш сабабини ва асарнинг қисқача мазмуни ҳақида: “Қуйидаги Қуръоннинг охирги сураларида (балоғат илмидаги) маъони ва баён илмига оид масалаларни ҳамда бу сураларда яширинган фойдаларни келтиришни ирода қилдим”, дея айтиб ўтган.

Рисоланинг аввали қуйидаги сўзлар ила бошланган:

" الحمد لله الذي جعل القرآن حجة وبرهانا ومصداقا وتبيانا قرآنا فصيحاً ورفقانا
حكيماً بليغاً والصلاة على نبيه... "

“Қуръонни ҳужжат, далил, ўлчов ила очиқ тилда баён қилувчи китоб, ҳикмат ила етказувчи фурқон қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унинг набийи (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам) га саловат бўлсин...”

Юқоридаги муқаддима сўзларидан ҳам асарнинг балоғат илмига оид эканини билиш мумкин. “Эъжоз ал-Қуръан ал-карим” рисоласи Ироқдаги “ал-Анбар” универ-ситети “Гуманитар фанлар” кафедраси “Араб тили” бўлими ўқитувчиси Устоз Доктор Муҳаннад Ҳамд Шабиб томонидан таҳқиқ қилинган бўлиб, тадқиқотчи асарнинг иккита нусхасини кўздан кечирган ҳолда ўз изланишларини олиб борган. Ишининг сўнгида асарга етарлича хулоса ва танқидларни келтириб ўтган.

Тадқиқотчига маълум бўлган “Эъжоз ал-Қуръан ал-карим” рисоласининг икки қўлёзма нусхаси қуйидагилар:

1) Истанбулдаги “Сулаймония” кутубхонасининг “Лалили” фондида 2/3668 рақами остидан сақланади. Қўлёзма мажмуъа асарнинг ичидаги еттита лавҳа

336–406 ларда келтирилган. Ҳар бир лавҳадаги қаторлар сони 21-26 сатр атрофида бўлиб, ҳар бир сатрда ўртача ўн тўртта сўз келтирилган. Мажмуъ асарлар ичидаги энг сўнги асар ҳисобланган “Эъжоз ал-Қуръан ал-карим” рисоласи тахминан 751/1351 йилда кўчирилган. Шунингдек, асарнинг ушбу қўлёзма нусхаси муаллифга энг яқин, хато-камчиликдан ҳоли нусха ҳисобланади. Қўлёзманинг хошиясида асардаги мубҳам ёки шарҳга эҳтиёж бор ўринларни тушунишга ёрдам берадиган баъзи изоҳларни учратиш мумкин. Асарнинг бошида носих томонида муқаддима келтирилган. Ушбу муқаддима тушунарли, гўзал ва ўқишга осон хатда ёзилган бўлиб, нодир ўринлардагина сўзларнинг ҳаракатлари кўйилган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, унинг изланиши айнан шу нусха асосида бўлган.

2) Кейинги қўлёзма нусха Мисрдаги “Искандария” университетидаги “Искандария университети марказий кутубхонаси” да “Жаъфар Али” фондида 84-рақам остида сақланади. Бу қўлёзма нусха муаллиф асарлари мажмуасининг 15-лавҳасидан ўрин олган. Лавҳа 14x18 см ҳажмда бўлиб, ўн тўрт қатор ёзувдан иборат. Қўлёзма ҳижрий XI (милодий XVI) асрда, насх хатида кўчирилган. Саҳифаларида тешиқлар ҳам мавжуд. Тадқиқотчи бу қўлёзмага етиша олмагани қайд этиб кетган.

Д. Муҳаннаднинг олиб борган тадқиқоти Рукнидин Убайдуллоҳнинг ҳаёти ва ижоди, илмий фаолияти тўғрисида ҳам керакли нодир маълумотларни тақдим этади. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

1. Рукнидин Убайдуллоҳнинг таржимаи ҳоли келтирилган кўп асарларда олим ҳанафий сўфий ва усул илми мутахассиси дея қайд этилган. Ва яна шунингдек, олим ақидада ақлий ва нақлий илмларни мувофиқлаштиришда васат- ўрта йўлни ўзига лозим тутган “Мотуридийлик” таълимоти асосчиси Шайх Абу Мансур Мотуридий раҳимахуллоҳга эргашувчилардан бўлган.

2. Олимда балоғат илмини калом илми билан аралаштириб юбориш ҳолати кузатилган. Зотан, у балоғат дарсида Қуръондаги сўзни таҳлил қилишда ўзи учун тушунарли бўлган калом илмига оид иборалар орқали сўзлашган.

3. Олимнинг балоғат илмини тушуниши бошқа балоғат уламоларидан фарқ қилган. Шунингдек, у ўзига хос қоидалар асосида шаклланган балоғат мактабларининг бирортасига мансуб бўлмаган. Балки, Рукнидин Убайдуллоҳнинг ўзи ушбу фаннинг предметларини ҳамда Қуръон оятларини таҳлил қилишда балоғатдаги асл қоидани шакллантиришга ҳаракат қилган.

4. Асарда келтирилган ҳавола, нақллар Рукнидин Убайдуллоҳнинг ҳамаср ва ўзидан олдинги олимларга эргашганига далолат қилади. Жумладан, олим дарсларида машҳур тилшунос олим Абдулқоҳир Журжонийнинг (400-471/1010-1078 й.) асарларидан кўп нақллар келтирган ҳамда унинг илмига эргашиб, кўп фойда олган.

5. Алломанинг асар ёзиш услуби Қуръони карим сураларини кироат қилишга қаратилган бўлиб, асарда суралардаги балоғат илмига оид жиҳатларни муайян бир йўналишга хосламасдан келтириб ўтган.

6. Асарни ёзишда мукамал тарзда балоғат илмига оид атамаларни қўллаши ҳам ўзига хос характерлидир. Олим атамаларни келтирар экан, уларга мос мисолларни ҳам ўз ўрнида қўллаб, ўқувчига тушунарли бўлишини эътиборга олган.

7. Олим асардаги балоғат илмига хос хусусиятларни шунчаки келтиришдан узоқ бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида урғу берган ҳолда изоҳлаб, ҳар бир келтирилган хулосани асослаб берган.

8. Юқоридаги хулосалардан асар фақат балоғат илмига хос экан, деган тўхтамга келиш қийин. Чунки асарда, араб тили грамматикаси ҳамда луғатшуносликка доир кўникма ва атамалар келтирилган. Шунингдек, олим бевосита Қуръон оятларига боғлиқ бўлган, қироатларни ҳам қайд этиб кетган. Аллома оятларга доир қироатларни келтирар экан, қироатлар ўртасидаги ўзгариш ва фарқлар сабабли оят маъноси қандай изоҳланишига ҳам тўхталиб ўтган. Аммо асарда балоғат илмига доир хулоса ва таҳлиллар кўп бўлгани боис, асар балоғат илмига доир адабиётдек, бўлиб кўринади.

9. Олим сўзларни нақл қилишда ва уларни қайдлашда хотирасига кўра иш тутган. Шу сабабли баъзи нақл қилган матнлари аслий матнга лафзма-лафз мос келмаслиги мумкин. Ёки бирор бир оят келтириб, “Мўминун сураси” нинг шу ояти деб, айтган бўлса, шу оят “Мўминун сураси” нинг эмас, балки бошқа сурадаги оят бўлиб чиқади. Бунга оятлардаги сўзлар муташобеҳ - бир-бирига ўхшаш бўлгани сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида ўз даврининг етук усул олими ҳисобланган ҳамда бошқа олимлар томонидан “усулий” деб аталган Рукниддин Убайдуллоҳ Самарқандийнинг балоғат илмида ҳам нечоғлик моҳир эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Олим Қуръони каримнинг нозик жиҳатларини очиб беришда ҳамда оятларнинг чуқур маъноларини изоҳлашда араб тилидаги мураккаб сўзларни ҳамда балоғат илмининг ўрнини кўрсатиб берган. Рисоланинг яна бир хусусияти сифатида, унинг ўқувчи учун тушунарли, содда қилиб ёзилгани ҳамда оятлардаги чуқурроқ англаш керак бўлган ўринларгина изоҳланганини айтиб ўтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Салоҳуддин Халил ибн Абик ас-Софдий. Аъён ал-аср ва аъвон ан-наسر. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1998.

2. Аҳмад ибн Яҳё Шаҳобуддин Умарий. Масалик ал-абсор фи мамалик ал-амсор. – Абу Даби: ал-Мажмаъ ас-сақофий, 2002.

3. Маҳмуд ибн Аҳмад Бадруддин Аъйний. Иъқд ал-жуман фи тарих аҳл аз-заман. – Қоҳира: Марказ таҳқиқ ат-турос, 1987.

4. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ад-Дурор ал-камина фи аъян ал-маиъат ас-самина. – Ҳайдаробод: Мажлис даирот ал-маориф ал-усмония, 1972

5. Юсуф ибн Тангриберди. Ал-Манҳал ас-софий ва ал-муставфий баъда ал-вафий. – Миср: Ҳайъат ал-мисрия ал-аъммати лил кутуб, 1984.

6. Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Диёрбакрий. Тарих ал-хомийс фи аҳвал ан-нафис. – Байрут: Дор содир, 1998.

7. Ибн Ҳишом Абу Муҳаммад Ансорий. Муғнил лабиб аън кутубил аъариб.
– Тунис: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2004.

8. Ибн Саррож Абу Бакр Муҳаммад ибн Саҳл ибн Наҳвий Бағдодий. Ал-Усул
фин наҳв. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 1996.